

Катта хирмон табори



Ям-яшил, маржондек тизилган ғўзаларга болаларча завқ билан термулиб турган Ҳайитвой Ражабалиев суяги пахтачиликда қотганлардан.

Унинг ақидаси қуйидагича: ғўзанинг тепасида соатлаб тикилган билан кўрак тишининг оқини кўрсатмайди. Унга фақат офтоб иссиғи, муттасил парвариш керак.

У меҳнат қилаётган Фарғона туманидаги «Водил» ширкат хўжалиғи пахтакорлари жорий йилда 770 гектар майдонга «АН-26» ғўза нави уруғини плёнка остига барвақт қадашганди. Айни пайтда ғўзага ишлов бериш ишлари намунали олиб борилмоқда. Улар парвариш пайтида култивация сифатида, маҳаллий ва минерал ўғитларнинг ўз вақтида берилишига эътибор қаратишмоқда. Жамоа аҳли бу йил пахта ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиш, бугдойдан эса 55 центнердан хирмон кўтариш ниятида меҳнат қиляпти.

СУРАТЛАРДА: пудратчилар етакчиси Ҳайитвой Ражабалиев; ғўза култивация қилинапти.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ўзА) олган суратлар.



Маърифат соати Андишани парҳез тут...

Айтилик, жамоамизда ҳеч қимдан андиша қилмай, тап тортмасдан тўғриси гапирадиган биргина киши бор...

Биз уни кўпма ҳушламаймиз, лекин ҳайкиброқ тура-миз. Шу одамнинг олдида ўйлаб гапиришга, ўйлаб иш тутишга мажбур бўламиз. У ўтирган давраларга кирсак, ҳушёрлигимиз ўн чандон ортади. Ҳўш, нега? Демак, рост-сўз кўпчилик ичида қадрли! Шундай экан, нечун ўзимизни ҳамиша ҳам ҳақиқат сари чоғламаймиз!

«Фақат тўғриси гапир!» деган аънанавий шиор бор экан Австрия халқида. Бунга амал қилмаслик инсон ҳуқуқларини камситиш билан баробар экан! Бизда рост сўзламайдиган одамга ҳеч қандай жазо йўқ. Очиқроғи, бу ўнинг виждонига ҳавола этилади. Аксариятимиз чин сўзламоқликдан андиша қиламиз. Гўёки бир вужудда иккита одам бўлиб яшаётгандай. Сиртимиздаги «одам»нинг исми Андиша, ичимиздагиси Виждон. Қизиги, шу иккиси бир-бирини инкор қилавереди. Мана қаранг, бирор танишимизни обдон мақтаб, кўқларга кўтарётганимизда ичимиздаги одам у ҳақдаги бор ҳақиқатни «тишида тишлаб» туради. Нима учун? Негаки, ростини айтишга андиша йўл қўймайди. Бир ишни бошлаб, сўнг ёнимизга маслаҳат сўраб келган кишининг елкасига қоқиб, «Ақли иш бошлабсан, барақалла!» деймиз. Ичимиздаги «одам» эса «Шу ишни қилмагин десам бўларди, аммо у мени тўғри тушунамслиги мумкин» дейди. Яна ўша андиша, юз-хотир... (Аслида шу феъл ўзимиз ва ўзгаларни баъзан фожеалар томон етаклаши мумкинлигини кўпма тушунавермаймиз!) Хуллас, турли сабабларга кўра (тўғривоғи, кўпинча ўзимизнинг манфаатимизни ўйлаб) рост гапимизни ичга ютаемиз. Бировга тўғри маслаҳат бериб, аниқ йўл-йўриқ кўрсатишдан қочамиз. Ич-ичимизда эса ўзгалар ҳақидаги «ортишув» давом этаверади.

«Феълда андак чатоқлик бор, айтсам, кўнглига оғир олади!»

«Ишдаги камчилигини гапирсаммикан? Йўғе, муносабатларимиз бузилиши мумкин...»

«Э, ростини айтиб ёмон кўринайми? Душман орттириб нима қиламан?»

Андиша ичимиздаги «одам»га ҳадеб қарши чиқаради, уни синдиради. Энди ўзгалар ўрнига ўзимизни қўйиб кўрайлик. Қимдир камчиликларимизни юзимизга шартта айтса... Қай ахлолга тушамиз? Уни тўғри қабул қиламизми? Албатта, йўқ. Чунки бунга одатланмаганимиз. Бизнинг энг катта нуқсонимиз аслида шу.

Одобу андишани ўзбекнама фазилат дейдилар. Лекин ҳар қандай фазилатни ўз ўрнида қўласак, уни эзгуликка ҳизмат қилдирсак яхши, менимча. Ақ ҳолда...
Баъзан менга кўшним ёзғириб гапирди:
— Дадам яна йўқлабдилар. Ҳадеб бораверишга ортиқча вақт топиламан... Кексачилик-да, тушунайдилар. Кена бозордан майда-чуйда олиб, ўғилдан бериб юборсам олмабдилар. «Менга ҳеч нарса керакмас, ўзи бир келиб кетсин» деганимишлар. Бу ёқда иш кўп, ташвиш кўп!
Мен индамайман. Ич-ичимда эса «Тавба, иш ҳам, ташвиш ҳам ўз йўлига, ахир ота дийдорни ганимат қў» дея ўйлайман. Бироқ, дилимдагини тилимга чиқармайман. Аслида ҳар кун ишга кетаётиб ҳам, қайтаётиб ҳам кўзим тушади: Абдуқудус ота дарвозаси ёнидаги чорроққина ўриндиқда кучага термулиб ўтирган бўлади. Кўшим Салимаҳон шу одамнинг ёлғиз қизи. Ота менинг саломимга алик олгач, «Салимани кўриб турибсанми, болам? Анчадан бери дарағи йўқ» дейди. Нима десамкин? Агар туппа-тузук юрибди десам, шу тузукқина қизининг хабар олгани келмаётганини ўйлаб отанинг дили оғрийди. Сунгра мен «Салимаҳонни кўрмапман, ишлари кўп, шекилли» дейман. Кечқура кўшимга дуч келиб қолганимга эса у «Дадам сизга мендан шикоят қилгандир-а?» деб сўрайди. Мен тўғриси айтсам қайфияти бузилади деб ўйлаб, кейин ёлғонга ўтаман:

— Ота ҳеч нарса деганлари йўқ...
Шу кўйи ўзимни ҳам ёмон кўриб кетаман. Бордию ҳеч андиша қилмай ростини сўзлаганимда ўзгаларни ҳам, ўзимни ҳам алдамаган бўлардимиз?

Турмушда шундай ҳоллар учраса, андишадан парҳез қилмоқ лозим экан.

Аслида фақат ўз тинчимизни кўзлаб бошқалар тақдирига лоқайд қарасак, шу аснода ёлғону ҳушомадларга изн берсак, тўғри яшашнинг асосий қоидадан четга чиққан ва инсонийликка хилоф иш тутган бўламиз-ку? Ақдолларимиз бундай вақтда қай йўлни танлашган? Дангал гапир-риш, тўғриси айтиб қўя қолиш, ўрни келганда ур сўраш, ўзгаларга кеңирими бўлиш уларнинг турмуш тарзига сингиб кетган эди-ку. Нега бизнинг томирларимизда кўпчила «андиша аралаш ёлғон» оқади. «Бетгапоҳар» дейишларидан чўчиймизми? Ҳаммага «андишасиз» бўлиб кўринишни хохламаймизми? Нима бўлганда ҳам андишани сал четлаб, босиклик билан ҳақиқатни сўзласак, бир-ички мартла ўзгаларга ёқмаслигини мумкин. Лекин бора-бора улар «ростгўй»-лигимизни тўғри қабул қила бошлайдилар, охирикитат голиб чиқамиз.

Ичимиздаги «одам» ҳамиша бизга тўғри йўлни кўрсатади. Аммо биз унга доимо ҳам қўлоқ тутавермаймиз. Андишани бўлмоқ яхши-куя... Бироқ шуни деб ўзини қайта-қайта синдираверсак, андишанинг номи кўрқок бўлиб қолмайдими? Хар вожелики тўғри баҳолаб, хар ишда аниқ хулоса чиқаришга ўрганишимиз маъмулликми? Бизнинг шу «жасорат-имиз ўғринишга беаза бўлиб қолармиди...»

Қолаверса, ҳаётни қайта бошлашнинг ҳеч имкони йўқ. Шундай экан, зарур пайтда андишадан парҳез қилиб яшайлик, дегим келади. Ҳўш, сиз нима дейсиз?

Гўячқара ЖАМИЛОВА.

Чегара хавфсизлиги учун техника

Тошкентда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги бўлинмалари, МХНнинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш департаменти ҳамда Солиқ қўмитасига махсус техника ва жиҳозларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Умумий қиймати 516,6 минг долларга тенг мазукур жиҳозлар Ўзбекистон учун АҚШ Давлат департаменти томонидан молиялаштирилган «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги» (EXBS) ҳамда «Авиация во-ситалари ёрдамида чегаралардан ноқонуний ўтишга қарши кураш» (AIP) дастур-

лари доирасида тақдим этилди.

«Амир Темур — Клавио — Самарқанд»

Соҳибқирон Амир Темур давридаёқ, хорихий давлатлар билан дипломатик алоқалар яхши йўлга қўйилган. Айниқса, ўзбек-испан дўстлиги таҳсинга сазовордир. Бу йил Амир Темур давлати билан Кастилия ва Леон қироллиги ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилганига 600 йил тўлди.

Икки давлат ҳамкорлигига бағишлаб пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида «Амир Темур — Клавио — Самарқанд» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Бир

неча музей-кўриқхоналардан келтирилган ва Темурийлар тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатлар билан бойитилган ушбу кўргазма барчага манзур бўлди.

Тарихий санага бағишланган тадбирлар Самарқандда давом этмоқда. Унда «Амир Темур — Клавио» испан-ўзбек дўстлиги уюшмаси, Франциянинг «Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш уюшмаси» аъзолари ҳам иштирок этишаётир.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро андозаларга қиёслаб

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши кўп жиҳатдан олий таълим тизими фаолиятининг қандай йўлга қўйилишига боғлиқ.

Шу боис олий таълим стандартларини халқаро даражада такомиллаштириб бориш, дунёнинг етакчи мамлакатларида таълим кредит технологияларининг қўлланилиш тажрибасини чуқур ўрганган жолда миллий тизимни яратиб мутахассислар олдидики долзарб вазифалардан биридир. Ана шу зарурат олимлар, мутахассисларнинг мазукур муаммо юзасидан

фаолиятларини мувофиқлаштиришни тақозо этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ҳамда Тошкент Халқаро Вестминстер университети ҳамкорлигида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг халқаро андозаларга мос келиши» мавзусида илмий-услубий семинарнинг навбатдаги

йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор республика таълим тизимининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро миқёсда қўлланилаётган инновацион таълим технологияларини жорий этиш, бу борадаги илмий-услубий муаммолар ва мазукур фаолият йўналишини мувофиқлаштиришга қаратилди.

Р. ЁРЛАҚАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Куч — бирлик ва эзгуликда»

Юртимизда содир этилган муҳдиш террорчилик ҳаракатлари тўғрисида айрим хорижий ташкилотларнинг ноҳолис фикрлар билдираётгани ҳар қандай имонли кишини таажубга солади. Узини демократия байроқдори деб атайдиган бундай тоифалар учун ҳақиқий ахлоқни бузиб кўрсатиш, воқеаларни ўзи истоган тарзда талқин қилиш, афсуски, оддий ҳолга айиланиб қолмоқда. Ҳўш, бугун йвуз куч — терроризмин таърифлашда нега икки хил андоза қўлланилмоқда? Мухбиримизнинг Араб ахборот маркази директори Аҳмад Ал-ЗУБАЙДИЙ билан сўхбати ана шу хусусда бўлди.

— Бугун жаҳоннинг қайси қитъаси ёки мамлакатда истиқомат қилишдан катти назар, хар қандай инсон террор нима, террорчи ким эканини яхши билади. Негаки, ҳозирги вақтда одамни таҳликага соладиган бу совуқ сўзларни эшитмаган киши йўқ. — дейди сўхбатдошимиз. — Шунинг учун жаҳон аҳли бутун башариятга хавф солаётган бу муҳдиш балога қарши курашмоқда, барча куч ва имкониятларни бирлаштириб, унинг олдини олиш чораларини изламоқда. Лекин шундай бир шароитда Ўзбекистонга қаратилган террорчилик ҳуружларини нотўғри талқин қилаётган айрим хорижий ташкилотларнинг ҳаракатлари гоёт ажабланарлиқдир. Нега энди дунёнинг у ёки бу бурчида содир этилган хунрезликлар инсониятга, цивилизацияга қарши жиноят ҳисобланади-ю, ўз бошидан оғир синовларни кеңираётган Ўзбекистондаги хунрезликларга нисбатан бошқача мезонлар қидирилади? Мен, бир ҳолис хориж фуқароси сифатида бундай қарашларга мутолдоқ қўшила олмаймаман. Қизик, террористик ақтларга улар содир этилган жой, қитъа ёки мамлакатга қараб баҳо берилмайди-ку? Ахир террорнинг миллати бўлмайди-ку.

— Сизнингча, «Хизбут-таҳрир» оқимида кенг тарқалган

халифалик қуриш даъватлари нимага асосланган?

— Бир оғиз сўз билан айтганда, бу хатти-харакатлар ҳақолат уруғини сочишга қаратилган. Биласизми, бу даъват Куръони Каримнинг «Фирқаларга бўлинманглар» талабига мултоқо эзидир. Агар бу ҳаракатларда заррача мангик, асос бўлганда ислом аҳкомлари бўйича яшовчи араб мамлакатлари ягона халифаликка бирлашмасиди? Нега унда улар ўзларини мустақил давлат дея эълон қилишган? Жавоби аниқ: террорчилар бу саяёҳ ҳаракатлари билан қабий сиёсий максалларига эришишни кўзлашмоқда, ҳолос. Ҳақиқий мусулмон қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини пайғамбар алайҳиссалом ҳадиси муборакларида батафсил баён қилганлар. «Тилдан ва қўлдан бировга зарар етмайди» деган киши ҳақиқий мусулмондир», дейилади уларнинг бирини. Демак, зулм, таъвозуқорлик, дипломатик ақтларга асосланган йўл мусулмон кишига хос эмас. Бундан хулоса шунки, қимки жамиятга кўпроқ моддий ва маънавий манфаат келтирса, ўша одам қимил мусулмондир.

— Борди-ю, Сизнинг мамла-

катингизда «Хизбут-таҳрир» оқимига ўхшаш бирор радикал экстремистик гуруҳ мавжуд бўлса, бунга қандай муносабат-да бўлардингиз?

— Бу саволингизга жавоб учун Иорданияни мисол қилиб олсак бўлади. Ушбу мамлакатда мазукур ҳаракат фаолияти умуман тақиқлаб қўйилган. Саудия Арабистонига эса унинг аъзолари учун ҳатто Ҳаж амалларини адо этишга ҳам руҳсат этилмайди. Умуман, бизнинг мамлакатимизда ҳам, гарчи экстремистик гуруҳлар четдан келиб қўйлашиб олган бўлсалар-да, халқимиз уларга нисбатан нафрат кўзи билан қарайди. Ҳеч ким уларнинг фаолиятини кўрсатишга истамайди.

Тўғри-да, Умуман, бизнинг мамлакатимизда истиқболли гояларнинг янги даврини бошлаб берди. У бундан анча йиллар муқаддам ўз асарларида «совуқ уруш»-савасаси йўқолиди, бироқ энди мамлакатлараро, маълул бир худудлар ўртасидаги келишмовчиликлар, халқаро терроризм бутун дунё тақдирини белгилайдиган улкан хавфга айлангани мумкин, деган ташвишини билдирган эди. Ҳақиқат ана шундай аниқ бўлади. Бугун терроризм балосининг инсониятга келтирётган захар-заққуми-ю зарарини ўлчаб бўладими?

Ҳа, фақат яхшилик ва эзгулик йўлини тутган элданга буюклиқ қудрати ва салохияти мавжуд бўлади. Қолаверса, сиёсат қачонки эзгулик, инсонпарварлик туйғуларини билан сўғрилса, у умуминсоний қадриятга, энгилмас кучга айланади. Ўзбекистон давлатининг сиёсати умумжаҳон сиёсатининг ажралмас қисмига айланганининг сабаби ҳам ана шунда.

«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ сўхбатлашди.

Жойлардан хабарлар

Қўшма корхона иш бошлади

Тошкентда «Ўзбек-турк тест маркази» қўшма корхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. «Ўзстандарт» агентлиги ва Турк стандартлари институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу корхонада тўқимачилик, энгил саноат, мебель, электр хўжалик моллари, аудио-видео кассетта махсуслотлари лабораторияси синовларидан ўтказилиб, сертификатланади.

— Қўшма корхона янги биносининг синов лабораториялари замонавий халқаро меъёрларга жавоб берадиган 32 хил синов жиҳозлари билан таъминланди, — дейди «Ўзстандарт» агентлиги бош директори Р. Бўриев. — Келгусида марказнинг синов ва сертификатлаш имкониятлари янада юқори босқичга кўтарилди ва Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади.

Ўз мухбиримиз.

Хунарли хор бўлмас

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ўзининг эркин маблағи ҳисобидан воҳадаги 5 та мактаб-интернатга 300 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатди.

— Бу асли мактаб-интернат ўқувчиларини касб-хунар билим даргоҳларига кириб ўқишга даъват этиш юмушининг дечобчасидир, — дейди бошқарма бошлиғи А. Меликулов. — Касб-хунар ўргатиш савоб иш. Ота-онасиз ёки ноғирон ўсмирларни хунарли қилишнинг савоби эса минг чандон зиёда.

Айни кунларда лицей ва коллежларга мактаб-интернат ўқувчиларининг саводини уюштирилиши мўлжалланмоқда.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТИМИЗ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

2004 йил 15-16 апрель кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин тақлифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Россияга ташриф буюрди. Кўпгина таҳлилий марказлар, оммавий ахборот воситалари бу сафарни тарихий аҳамиятга молик ташриф, эришилган келишувларни эса бутун Марказий Осиё минтақаси учун самарали натижалар берадиган аҳдлашувлар, деб баҳолади.

Бу фикрга қўшилмасдан бўлмайд. Дарҳақиқат, икки давлат Президентлари ўртасида келгуси ҳамкорликнинг узок муддатли истиқболлари ва йўналишлари ҳусусида батафсил ва ошқо-ра суҳбат бўлиб ўтди. Самарали музокараларнинг асосий натижаси Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш ҳақидаги келишув бўлди. Бу битим мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларини, аввало, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиши лозим.

Шу билан бирга матбуотда ва сиёсий доираларда Ўзбекистон-Россия келишувларини Ўзбекистоннинг АКШ ва бошқа ривожланган давлатлар билан муносабатлари суъватидаги далел, деб изоҳлашга уринишлар ҳам пайдо бўлди.

Олий даражадаги Ўзбекистон-Россия учрашуви натижаларининг бундай тақдирини ҳамма воқеадан, ҳатто энг ижобий ҳодисалардан ҳам камчилиқ кидирадиган шарҳловчилар виждонига ҳавола қилади. Ўзбекистон ва Россиянинг янада яқин ҳамкорлиқи интилишни белгилаб берган аниқ далиллارга мурожаат қилайлик.

Прагматизмга асосланган сиёсат

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов сиёсатининг асосий тамойилларидан бири иқтисодий сиёсат йўналишларини танлашда унга мафкурадан холи ҳолда ёндашувдир.

Мустиқлик эълон қилиниб, миллий валюта ҳорий этилган, Ўзбекистон шўро давридаги ҳомашё ресурслари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бир ёқлама, самарасиз иқтисодий алоқаларни тўхтатиши зарур эди. Бундай шароитда самарасиз, таназзулга ўз тутган иқтисодий алоқалардан воз кечиш, ҳамкор бозорига чиқиш Ўзбекистон учун иқтисодий инқирозни енгиб ўтишининг ягона йўли эди.

Уш даврада Ўзбекистон Президент Ислоҳ Каримовнинг саъй-ҳаракатлари халқро савдо-иқтисодий алоқаларни, авваломбор, Фарбий Европани ривожланган мамлакатлари, АКШ, Япония ва иқтисоди жадал ривожланаётган бошқа давлатлар билан кенгайтиришга қаратилди. Бу сиёсат бирон-бир мамлакатга қарши йўналтирилган эди. У иқтисодиётимиз учун нисбатан қулай савдо шароити яратишга, сановат, кишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда тузилмавий ўзгаришлар қилишга имкон берадиган муносабат халқро савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган эди.

Мутаносиб ташқи иқтисодий фаолиятни яратишдаги фаол чора-тадбирлар Ўзбекистонга ташқи савдонинг ҳам мамлакатлари, ҳам тармоқлар миқёсида реструктуризация қилиш имконини берди. Илгари Ўзбекистоннинг бевосита савдо алоқалари бўлмаган мамлакатлар, биринчи навбатда дунёнинг ривожланган давлатлари билан савдо алоқалар салмоғи 2003 йилдаги бутун ташқи савдо айланишида 63 фоизга етди.

Ташқи савдонинг мамлакатлар буйича ривожлантирилиши Ўзбекистонга унинг тармоқлар буйича йўналишни ҳам анча такомиллаштириш имконини берди. Экспортда ҳомашё ресурслари, аввало, пахта толаси миқдори камайди ва тайёр маҳсулот ҳажми ортди. Импортда озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол моллари ҳажми қисқарди ҳамда иқтисодиётнинг модернизациялаш ва тузилмавий қайта қуриш учун зарур машина ва ускуналар, замонавий технологиялар салмоғи кескин ўсди.

Россия — Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкори

Ўзбекистонда Россия азалдан йирик иқтисодий ҳамкорлардан бири эканлигини ҳеч қачон унуттирмаган. Россиянинг иқтисодий инқироздан чиқиш даражасига кўра, унинг Ўзбекистон ташқи савдо айланишидаги улуши 1999 йилдаги 13 фоиздан 2003 йилда 17 фоизга ўсди. Фақат 2003 йилнинг ўзида икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланиши ҳажми 26 фоиз, 2004 йилнинг биринчи чорағида эса 43 фоизга ўсди ва янада жадал юқалиши учун янги имкониятлар мавжуд.

Савдо айланиши тарихи янада рақиблашиб, икки мамлакат иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар унда ўз аксини топа бошлади. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажмида асосий улушни машина ва ускуналар (23 фоиз), пахта толаси (7 фоиз) ташкил қилди, ваҳоланки 1994 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 11 ва 64 фоиз эди.

Россиядан Ўзбекистонга экспорт ҳажмида ҳам асосий улуш машина ва ускуналар (38 фоиз), кимё маҳсулотлари (20 фоиз), ёғоч, қоғоз, картон, меҳел (24 фоиз)дан иборат. 1994 йилда эса Россиядан Ўзбекистонга асосан энергия манбалари (39 фоиз), озик-овқат маҳсулотлари (15 фоиз), қора металл (14 фоиз) экспорт қилинган эди.

Ўзбекистоннинг Россия билан авиасолик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Натижада "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиацияси ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти базасида юк ва йўловчи ташувчи замонавий ҳаво кемаларини ҳамкорликда ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Эътиборли томонини шундаки, Тошкент авиазаводи тузилган шартномаларга мувофиқ 2004 йилда Россия ва бошқа мамлакатларга 15 та самолёт ётақиб беради, бу ислохотлар бошланган даврдан анча кўпдир.

"ЎДЭУавто" кўшма корхонасининг ҳам Россиялик шериклар билан ҳамкорлиги янада фаоллашмоқда. Бир томондан, унинг Россияга экспорти салмоғи ортмоқда. Таҳминларга кўра, экспорт ҳажми 2004 йилда 25 минг автомобилни ташкил этади. Иккинчи томондан, Россиялик пўлат қувчилар маҳсулотли сифатининг ортиб бораётганлиги Ўзбекистон автомобиллари учун харид қилинадиган иссиқ ва совуқ ускуна қўйилган пўлатнинг 90 фоизини Россиянинг "Северсталь" компаниясидан олиш имконини беради. Шуниси аҳамиятга моликки, Ўзбекистоннинг авиация ва автомобиль заводлари Россия Федерациясининг 957 корхонасига бутловчи ва материаллар учун буюртма берган.

Ўзбекистон ва Россия савдо алоқаларининг фаоллашиб бораётганининг сабаби нимада? Жавоб аниқ — ҳар икки мамлакат иқтисодиётида ўсиш кузатилмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръати, у билан боғлиқ савдо ва тўлов баланснинг ижобий салдоси, аҳоли реал даромадларининг муттасил ўсаяётгани шундан далолат берадики, Россия тобора қулай, ҳудудий жиҳатдан яқин, тўловга лаёқатли бозорга айланмоқда. Бу бозорга ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари ўзларининг хилма-хил маҳсулотларини ётақиб бериши мумкин.

Россия товарларининг асосий экспорт номенклатурасининг қулай конъюнктура

юктураси асосида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли қисқа муддатда бозор шароитида фаолият кўрсата оладиган қучли хусусий секторни яратиш имкони вужудга келди. Самарасиз ишлаётган корхоналарнинг аксарияти янги хусусий мулкдорлар қўлига ўтди ёки таназзулга ўчради. Бу эса Россия корхоналарининг, умуман иқтисодиётининг соғломлашувига олиб келди. Россияда йирик молия-саноат холдинглари ва компаниялари ташкил этилган. Улар мамлакат ичида ва чет элларга ўз сармояларини киритиш буйича катта инвестициявий имкониятларга эга. Сўнгги уч йил ичида мамлакатда асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажми ўртача 10,5 фоизга ортди.

Табиий равишда, Россия сармояси халқро бозорга ҳам дадил кириб бормоқда, унинг етакчи компаниялари эса мунтазам равишда ривожланган ва ривожланаётган ўнлаб давлатларда миллиардлар доллар миқдоридан ўз инвестициявий стратегиясини амалга оширмоқда.

Россия сармоядорларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кенг миқёсда инвестиция киритишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу, аввало, нефть ва газ қазиб, уларни қайта ишлаш, телекоммуникация, тоғ-кон сановати, металлургия, машинасозлик, аниқ асбоб-созлик, электротехника маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби экспортга йўналтирилган соҳалар ва бошқа истиқболли тармоқларда ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, 2004 йилнинг апрелида Россиянинг "Газпром" компанияси билан "Шохпахта" газ қонида газ қазиб олиш ва ундан фойдаланишдаги иш-тироки буйича маҳсулот тақсими тўғрисида битим имзоланди. Айни пайтда "Газпром" билан Устюрт нефть-газ қонлирида табиий газ геологоразведкаси, қазиб олиш ва йилга 10 млрд.куб метр ҳажмида реализация қилиш мўлжалланган лойиҳага 1,4 млрд. АКШ доллари миқдоридан бир томи киритилишини кўзда тутувчи битим ишлаб чиқилмоқда.

"Лукойл" компанияси билан маҳсулот тақсими асосида Қандим, Хаузок, Шоди газ қонлирида табиий газ қазиб олиш ва биргаликда реализация қилиш буйича йирик битим таяёрланмоқда. Бунда "Лукойл" компанияси 1 млрд. АКШ доллари миқдоридан инвестиция киритади ва лойиҳанинг амалга оширилиши 200 млрд.куб метрга яқин табиий газ қазиб олиш имконини беради.

Машинасозлик, асбобсозлик, электротехника сановатидаги технология кооперацияга асосланган самарали алоқалар тикланмоқда. Кабель маҳсулотлари, электротехника машиналар, жиҳозлар ва аппаратура ишлаб чиқариш соҳаларида 19 та Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси фаолият юритмоқда. 33 та кўшма корхона сановат ва машина турдаги асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Машинасозлик, машина ва жиҳозларни таямirlайдиган 68 та кўшма корхона тузилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида интеграция чўқурлашмоқда. Бу соҳада тўққизта Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси, жумладан, машур "Балтмор", "Черкизово" ва бошқа компаниялар билан ҳамкорликда тузилган корхоналар фаолият юритмоқда.

"Вим Билл Дан" компанияси Тошкентнинг йирик "Тошкентсу" бирлашмаси акцияларининг 77 фоизини харид қилиш ҳақида шартнома имзоланди. Ушбу ҳужжатда сув маҳсулотларини қайта ишлаш ва мет шараблатлари ишлаб чиқарувчи кўшма корхона тузиш учун 20 млн. доллар сармоя ки-

ритиш кўзда тутилган.

Сўнгги пайтларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг кенгайтириш иқтисодий шароити ва ўзаро манфаатлари ифодаловчи табиий жараёнга айланди.

Бундай ҳамкорликнинг асосини иқтисодиётнинг оёққа туриши, ҳар икки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва бир-бирини тўлдирishi, ҳудудий яқинлик, транспорт инфратузилмаси ҳамкорлигининг йўлга қўйилганиги, шерикларнинг бир-бирини яқин билиши, уларнинг халқларимиз умумий маданиятидан, феъл-атворидан ҳабардорлиги ташкил этади.

Қайд этиш керакки, Россия билан Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларнинг кенгайтириш Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов илгари сураётган Марказий Осиёда умумий бозорни яратиш ташаббуси ва бунёдкорлик йўлидаги жиддий қадамдир.

Бу ўз навбатида жаҳон иқтисодиётида минтақанинг инвестициявий жозиқдорлиги ва рақобатбардошлигини оширади.

Аmmo бу Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлики ривожлантириши ис-тиқлол йилларидаги ҳамкорлар, биринчи гада Америка Қўшма Штатлари, Евроиттифок мамлакатлари ва Япония билан аylanага айланган иқтисодий ҳамкорлики суъайтириш ёки қисқартириш ҳисобига амалга оширилади, дегани эмас.

АКШ — Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик ҳамкори ва асосий сармоядоридир

2001 йилда АКШ ва Ўзбекистон стратегик шериклик муносабатларини ўрнатди. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг АКШ билан ўзаро ташқи савдо айланиши 10 фоизга ошди.

Ўзбекистон АКШнинг ёқили-энергетика мажмуаси, тоғ-кон, кимё, энгил, озик-овқат, машинасозлик сановати каби устувор тармоқларида, шунингдек, АКШ шак-шубҳасиз жаҳонда етакчи ҳисобланган юқори технологияли маҳсулот ва ахборот технологиялари соҳасида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганини юқори баҳолайди.

Республикада америкалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 453 тадан ортиқ корхона рўйхатга олинган, улардан 124 таси 100 фоиз хориж сармояси иштирокида тузилган.

Америка капитал иштирокида тоғ-кон ва нефть-газ сановати, кишлоқ хўжалиги машинасозлиги, озик-овқат сановати ҳамда транспорт инфратузилмаси соҳаларида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Американинг олтин қазиб олиш буйича "Ньюмонт Майнинг" корпорацияси иштирокида ташкил этилган "Зарафшон-Ньюмонт" кўшма корхонаси, Хўжабодда "БизСай Индустри Инк" компанияси иштирокида ер ости газ омбори, "АББ Лумум Глобал" компанияси иштирокида Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши, "Тексако" компанияси билан юқори сифатли мойлар ишлаб чиқарадиган "Ўз-Тексако" кўшма корхонаси, "Бейкер Хьюз" компанияси билан Қашқадарь вилоятидаги Шимолӣ Уртабулоқ қонида нефть қазиб олишни қўлайтириш, "Кейс Нью-Холланд" компанияси билан кишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, лизинг ва техника хизмат кўрсатиш буйича кўшма корхоналар тармоғи, аккумулятор ишлаб чиқарадиган "ЎзЭксайд" кўшма корхонаси, "Кока-Кола" ва бошқа кўплаб кўшма корхоналар ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон молиявий соҳада 44 кўшма корхонани молиялаш учун 1,5 миллиард доллар миқдоридан кредит ажратган АКШнинг Эксимбанк, шунинг-

дек, Жи Пи Морган Чейз, Сити групп ва бошқа йирик хусусий банклар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. АКШнинг етакчи "Американ интернешнл групп" суғурта холдинги билан тузилган Лондон ва Тошкентда сиёсий ҳамда тижорат таваққалчиликларни суғурталаш буйича 105 миллион АКШ доллари ортиқ капиталга эга икхита суғурта компанияси муваффақиятли фаолият юритаётир.

Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси амалга ошираётган халқро рейс-ларда йўловчи ташувчи асосий вазифани лизинг буйича сотиб олинган "Боинг" авиалайнерлари бажармоқда.

Шундай қилиб, деярли барча асосий жабҳаларда Американинг етакчи компаниялари иштирок этмоқда. Айни пайтда АКШнинг ишбилармон доиралари билан иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш дастури доирасида нефть-газ, тоғ-кон соҳаларида, транспорт тизимини ривожлантириш, телекоммуникация, ахборот технологиялари ва бошқа жабҳаларда ўнлаб янги истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Европа Иттифоқи давлатлари — устувор иқтисодий шериклар

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан 1996 йилда имзоланган "Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим"га мувофиқ ҳамкорлиги мамлакатимизнинг устувор манфаатларидан ҳисобланади.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан йиллик ташқи савдо айланиши 1,2 миллиард доллар атрофида бўлиб, шундан таҳминан 47 фоизи мамлакатимиз экспортга, 53 фоизи эса Ўзбекистонга Европа давлатларидан импорт улушига тўғри келади. Европа Иттифоқи давлатлари орасида Буюк Британия, Германия, Италия, Бельгия, Франция ва Голландия 2003 йилда республикамизнинг энг йирик савдо ҳамкорлари бўлди.

Европа Иттифоқи давлатлари Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри йирик сармоя киритаётган мамлакатлар ҳисобланади. Республикамазда Европа Иттифоқи мамлакатлари фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда тузилган 500 корхона фаолият юритмоқда, улардан 115 таси ўз фоиз Европа капитал иштирокида тузилган.

Ўзбекистонда европалик сармоядорлар иштирокида амалга оширилган йирик лойиҳалар орасида таркибда олтин бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган Буюк Британиянинг "Оксус Майнинг" компанияси билан ҳамкорликда тузилган "Амантайтау голдфилдз" кўшма корхонасини, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "ЎЗБАТ" кўшма корхонасини, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш буйича "Дойне-Кабель АГ Тошкент" кўшма корхонасини, автомобиль ва қурилиш ойналари ишлаб чиқарадиган "Текинт" (Италия) кўшма корхонасини алоҳида кўрсатиш зарур.

Европа Иттифоқи мамлакатлари учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик фойдали эканлигини қўйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди: булар — Европа Иттифоқи компания ва банклари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари — "Ўзтелеерадиокорпорация"ни "Сименс" (Германия) компанияси билан техник қайта жиҳозлаш, "Томсон" (Франция) билан ҳаво йўллари ҳаракатларини бошқариш тизимини замонавийлаштириш, "Эйрбас Индустриэ" компанияси авиалайнерларини сотиб олиш, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга "Люфтганза Техник" (Германия) билан техник хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш ва бошқа ўнлаб лойиҳалар.

Европа Иттифоқи мамлакатларининг экспорт суғурта агентликлари ва банклари томонидан Ўзбекистонда умумий қиймати 2,9 миллиард АКШ доллари-

га тенг бўлган 174 лойиҳа молиялаштирилди. Улар сармоялаш ҳажминини янада кенгайтиришга тайёрлигини билдирмоқдалар, чунки Ўзбекистон Республикаси барча халқро кредит-торлар олдидagi мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келмоқда.

Айни пайтда янги ва истиқболли лойиҳалар буйича ҳам ишлар фаол давом этмоқда. ГФР билан Тошкент шаҳрида Халқро логистика марказини ташкил этиш; касбий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш; Франция билан энергетика тизимини замонавийлаштириш ва мавжуд нефть-газ қонлари самардорлигини ошириш; шаҳарларнинг ирригация иншоотлари ва коммунал инфратузилмасини қайта таъмирлаш; Буюк Британия билан Ўзбекистон жанубида йирик полиметалл қонларини ўзлаштириш буйича лойиҳалар шулар жумласидандир.

Япония — стратегик шерик ва йирик донор

Япония билан 2002 йилда стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилган. Бу давлат мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар жарафини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Япония ҳукуматининг 1994 йилдан бери мамлакатимизга 1,6 миллиард АКШ доллари тенг кредит ва сармоя, жумладан, "Тараққийёт учун расмий ёрдам" (ОДА) дастури доирасида телекоммуникация ва транспорт, энергетика, таълим ва бошқа соҳалар учун мўлжалланган устувор лойиҳаларга имтиёзли давлат кредитлари буйича 720 миллион АКШ доллари тенг маблағ ажратгани Ўзбекистон томонидан юксак қадрланади.

Япония халқро ҳамкорлик банки (JIBIC)нинг нефть-газ ва тўқимачилик тармоқларига тўққизта лойиҳа учун киритган 730 миллион АКШ доллари миқдоридagi тижорат кредитлари Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий қайта қурилишида катта ёрдам бўлди. Япония Ўзбекистон учун бегараз ва инсонпарварлик ёрдам доирасида 131 миллион АКШ доллари ажратди.

Айни пайтда Япония инвестициясини темир йўл, кимё ва тўқимачилик сановатларини ривожлантиришга жалб қилиш устида иш олиб боришмоқда. Икки мамлакат ўртасида қарор топган қулай савдо муҳити давлатларимиз ўртасидаги савдо-сотик алоқалари ҳамда инвестиция жалб қилишни янада юксалириш учун пухта замин яратмоқда.

Президент Ислоҳ Каримов, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини диққат билан кузатар экан, Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръати жаҳон иқтисодиётига ҳуқур интеграциялашув асосида хорижий инвестиция ҳамда экспорт салоҳиятининг барқарор ривожланиши туфайли таъминланиши мумкин, деб таъкидлаб келади.

Табиийки, бунда Ўзбекистон, бошқа мамлакатлар сингари, ўз ташқи иқтисодий сиёсатини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва шериклар манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда юритади.

Бу сиёсат давлатимиз раҳбари томонидан узок муддатли стратегик таҳлил асосида белгиланади. У Ўзбекистон иқтисодиётини унун савдо-сотик, иқтисодиётини таркибий қайта қуришга инвестиция жалб қилиш, пировардида халқимизнинг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш учун қулай имконият яратувчи мутаносиб савдо-иқтисодий алоқаларни яратишга қаратилгандир.

Р. АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари,
иқтисодиёт вазири.

Ёш истеъмолчилар беллашуви

Кеча пойтахтимиздаги "Зарафшон" концерт залида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Энг ёш билимдон истеъмолчи" республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўқувчилари — ёш истеъмолчилар томонидан ҳақамлар ҳайъати ва томошабинлар эътиборига ҳавола этилган ранг-баранг чиқишлар кўпчиликида илиқ таасурот қолдирди. Жумладан, харидор товар тўғрисида, унинг хусусиятлари ва сифати, ишлатиш қафолатлари, товар ҳавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати мавжудлиги ёки бўлмаса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилса, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатини ихтиёрий равишда тузатишдан бош тортса, у қаерга мурожаат этиши кераклиги ҳусусидаги қонкурс иштирокчиларининг сахнавий чиқишлари эътиборига лойик. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"

ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятидан ҳам ёш истеъмолчилар анчайин боҳабар эканликларини намойиш этишди. Ҳақамлар ҳайъатининг қарорига кўра, Сирдарё вилояти вакиллари би-



СУРАТЛАРДА: тadbирдан лавҳалар. Сандилон ҲАЙДАРОВ, Рашид ГАЛИЕВ (суратлар), "Халқ сўзи" мухбирлари.



Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда, ички бозорда сифати паст, одамлар соғлиғига ҳавф тўқдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш, ўсиб келаётган ёш авло-

нинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш ана шу кўрик-танловнинг асосий мақсади эди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақаларнинг голлиблари — мактабларнинг юқори синф

Пахта толасини қайта ишлашдаги корхоналар қўққамаси!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛ-ҲОМАСШ БИРЖАСИ
ВА «ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ

2004 йил 14 май кун соат 15.00 да республика истеъмолчиларига миллий валютага пахта толасини сотиш буйича «Кимосди» савдонини ўтказилади.

Катнашчиларни рўйхатга олиш 2004 йил 14 май кун соат 10.00 дан қўйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон соҳуқчуси, 53-«А» уй (Давлат мулки қўмитаси биносининг 4-п томони). Худудий «Пахтасаноат» уюшмалари томонидан қўйилган пахта толасининг миқдори ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Мол-ҳомашё биржаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
139-83-88, 139-22-27.

Пхеньян музокараларга ҳозир

